

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАРШИЕВ КОМИЛЖОН АБДИКАРИМОВИЧ**

**ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИДА ЖАНРЛАР ВА ШАКЛЛАР  
РАНГ-БАРАНГЛИГИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Қаршиев Комилжон Абдиқаримович**

Жамол Камол шеъриятида жанрлар ва шакллар ранг-баранглиги ..... 3

**Қаршиев Комилжон Абдиқаримович**

Разнообразие жанров и форм в поэзии Джамала Камала ..... 21

**Karshiev Komiljon Abdikarimovich**

Variety of genres and forms in the poetry of Jamal Kamal ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ ..... 45

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАРШИЕВ КОМИЛЖОН АБДИКАРИМОВИЧ**

**ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИДА ЖАНРЛАР ВА ШАКЛЛАР  
РАНГ-БАРАНГЛИГИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1336 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда "Zivonet" ахборот-таълим портали ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳасанов Шавкат Аҳадович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўрасев Дамини  
филология фанлари доктори, профессор

Умурова Гузал Ҳотамовна  
филология фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "8" сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил "19" август куни тарқатилди.  
(2022 йил "19" август даги 95-рақамли реєстр баённомаси).



*Суратов*  
М.Қ.Муҳиддинов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, филология  
фанлари доктори, профессор

*Хурсанов*  
Д.Б.Хурсанов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, филология  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Ж.Хамроев*  
Ж.Хамроев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида жанрлар эволюцияси ва услублар ранг-баранглиги, поэтик шакллар хилма-хиллиги, воқеликни бадиий идрок этишга хос тамойиллар, тасвирий воситалардан фойдаланишдаги индивидуаллик сингари муаммоларга эътибор қаратилмоқда. Лирик асарлар жанрлари тадқиқида антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашув, бадиий ижод оламини биографик таҳлил этиш, ижодкорнинг индивидуал услуб кирраларини ўрганиш, жанрлар ва шаклларнинг бадиий, тарихий, маданий хусусиятларини ёритиш, образлар дунёсини янгича тавсиф ва таснифлаш каби масалаларни тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида адабий жараён тадрижи анъанавий ва ноанъанавий типдаги янги-янги асарларнинг сўз санъати арсеналига қўшилиши билан боғлиқ тарзда ўрганилмоқда. Бу эса адабий турларнинг бир-бирига силжиши, жанрнинг поэтик элементлари трансформацияси каби ҳодисаларнинг илмий асосланишини юзага келтиради. Шунингдек, шеъриятни, хусусан, лирик тур ва унинг жанрларини тарихий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, жанр диалектикасини вазн, мавзу ва мазмун билан боғлиқликда ўрганиш бадиий адабиётнинг тарихий, маданий тараққиёти ва такомилни ёритишда, анъана ва новаторлик моҳиятини ақс эттиришда аҳамиятлидир.

Ўзбек адабиётшунослигида адабий тур ва жанрлар тараққиётининг муайян ижодкор асарлари мисолида ўрганилиши ижодкорнинг адабий-эстетик, бадиий-фалсафий, ижтимоий дунёқараши ўлчамларини аниқлашга хизмат қилмоқда. Шу боис ижодкор услуби, поэтик маҳорати, адабий жараёнга дахлдорлигини жанрлар миқёсида ўрганишга эътибор сезиларли даражада ортмоқда. Дарҳақиқат, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”<sup>1</sup>. Бугунги кунда замонавий ўзбек адабиётшунослиги олдида шеъриятни миллий қадриятлар асосида тадқиқ этиш вазифаси қўйилмоқда. Жамол Камол ижоди асосида ҳозирги ўзбек шеъриятининг жанрий қиёфасини белгилаш, жанрларнинг поэтик асослари, лирик анъаналарнинг янгилаш тенденцияси, универсал шеър бадиияти, лирик хронотопнинг воқеланиши, бадиий ғоянинг лаконик ифодаси кабиларнинг тадқиқи ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонли “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси сифатида ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё адабиётшунослигида шеъриятдаги жанр ва поэтик шаклларга оид ранг-барангликлар, ижодкор индивидуал услуби, лирик кечинма ва қаҳрамон руҳияти, ижтимоий давр ва инсон талқини каби масалалар турли аспектларда тадқиқ этилган<sup>1</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида жанрий изланишлар, поэтик шакллар ва уларнинг тамойилларини ижтимоий тараққиёт, қаҳрамон дунёсининг рухий-маънавий олами билан боғлаб тадқиқ этиш масаласи ҳам ўз тарихига эгадир. Хусусан, Абу Наср Фаробий шеърият назарияси ва бадиий сўз ҳақида қимматли фикрлар қолдирган<sup>2</sup>, Ибн Сино мумтоз жанрлардаги бадиий ифодани шахс руҳияти, лирик оҳангдорлик, туйғуни воқелик тасвирига боғлаб англаш борасида муҳим фикрларни баён қилган<sup>3</sup>, Абу Райхон Беруний эса ўз қарашларида жанр ва шакллардаги тасвирнинг реалистик омилини муҳим деб ҳисоблаган<sup>4</sup> эди. Шунингдек, ҳозирги ўзбек шеъриятининг жанрлар ва поэтик шакллар оламига оид илмий кузатишлар И.Султон, Н.Шукуров, Р.Орзибеков, Т.Бобоев, Ҳ.Умуров, Й.Солижонов, И.Ҳаққул, Д.Тўраев, Д.Қуронов, Н.Шодмонов, У.Ҳамдамов, Д.Қувватова Қ.Йўлчиев, И.Қурбонбоев<sup>5</sup> каби адабиётшунослар тадқиқотларида атрофлича ёритиб

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 352 б.; Гегел Г.В.Ф. Эстетика. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2012. –360 б.; Тамарченко Н.Д. Теория литературы. В двух томах. Учебное пособие. 3-е издание. –Москва: 2004. –368 с.; Гинзбург Л.Я. О лирике. – Москва: 1964. –384 с.; Теория литературы. Лирика. – Москва: 1964. – 341 с.; Уоррен О., Уоллек Р. Теория литературы. – Москва: Прогресс, 1978. – 325 с.; Хализев Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999, –400 с.; Санкстис Ф. История итальянской литературы. В двух томах. – Москва: Прогресс, 1963.– 214 с.; Неведов Н.Т. История зарубежной критики и литературоведения.-Москва: Высшая школа, 1988. –272 с.; Бахтин М. Эстетика словесного творчества. Москва: Искусство, 1979. –382 с.; Михайличенко Б. Теория сонетного жанра. Самарканд, СамГУ, 1995. –40 с.

<sup>2</sup> Фаробий. Шеърият қонуниятлари ҳақида. edunet.uz.

<sup>3</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/allomalar/abu-ali-ibn-sino-980-1037>.

<sup>4</sup> Бируни. Индия. www.gumer.ru

<sup>5</sup> Султон Издат. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986.– 408 б.; Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: 1973. –124 б.; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: 1973 – 154 б.;

берилган. Жумладан, янги давр ўзбек шеърятининг йирик вакилларида бири Жамол Камол ижодиёти ҳақида ҳам муайян илмий ишлар амалга оширилган. Шу нуқтаи назардан О.Сафаров, Н.Раҳимжонов, И.Ҳаққул, А.Самад, Ш.Ҳасанов, Д.Қувватова, Х.Даврон, Р.Раупов, Д.Ражабов, Ш.Алдашева, Д.Назарова<sup>1</sup>ларнинг илмий тадқиқотлари эътиборлидир. Шунини айтиш керакки, бу тадқиқотларда Жамол Камол шеърятининг баъзи поэтик жиҳатлари, жумладан, индивидуал услубининг айрим қирраларига доир фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, Д.Назарованинг диссертациясида Жамол Камолнинг ғазаллари, рубоийлари, тароналари, мухаммаслари, бармоқ вазнидаги шеърлари ва достонлари илмий таҳлилга тортилган бўлиб, шаклий унсур ва қолиплар бош мезон қилиб олинган. Унда шоир асарларининг поэтикаси жанр таркиби ва табиатига боғлаб ўрганилмаган. Ваҳоланки, Жамол Камол шеърятининг жанрлар ва поэтик шакллар оламидаги муайян гуруҳлари, уларнинг генезиси монографик тадқиқот учун долзарб илмий қийматга эгадир. Масаланинг ана шу жиҳати инобатга олиниб, мазкур ишда Жамол Камол шеърятининг жанрлар ва етакчи поэтик шакллари назарий поэтика кесимида тадқиқ этилди ва юқорида қайд этилган адабиётшуносларнинг Жамол Камол ижодига доир қарашлари ҳамда замонавий адабиётшунослик талаблари тадқиқотга илмий манба қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Адабий тур ва жанрлар поэтикаси” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жамол Камол ижодининг жанрлар ва шакллар ранг-баранглиги, шоир шеърятининг етакчи поэтик хусусиятлари, ўзига хос

---

Умутов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – 260 б.; Солижонов Й. Лирика нафосати, насрнинг назокати. – Тошкент: Адабиёт ушқунлари, 2018. –68 б.; Ҳаққулов И. Ижод иқлими.– Тошкент: Фан, 2009, – 360 б.; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 158 б.; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. –Toshkent: Akademiashr, 2018. –480 в.; Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати. – Самарқанд: СамДУ, 2011. –230 б.; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэтичилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 2010. –144 б.; Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърятининг. Тошкент: Мухаррир. – 362 б.

<sup>1</sup> Сафаров О. Улкан шоир ва истеъдодли таржимон. Аср ҳақиқатларининг шеърини тараннуми. Зиёрат замзалари ёхуд “Сафар дафтари” шеърини туркуми. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро: Дурдона, 2015 –379 б.; Раҳимжонов Н. Ёруғликнинг ҳарорат даражаси. Жамол Камол. Булбулнома. VI жилд. Тошкент: Янги аср авлоди. 2018. –477 б.; Ҳаққулов И. Шеърини – дард ва умид демак. Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б 21.; Самад А. Сувайдо. Жамол Камол. Яна кўнглимда ул ой. – Тошкент: MERIYUS, 2010. –Б 14.; Ҳасанов Ш. Истеъдоднинг рангин жилolari // Шарқ юлдузи, 2019, №1. – Б 109-115.; Қувватова Д. XX аср ўзбек достончилигининг тараққиёт хусусиятлари. Филол фанл. доктори дисс... –Тошкент, 2016. –268 б.; Ражабов Д. Бадий образ ва ритм табиати – // Монография. – Бухоро: Дурдона, 2002. – 116 б.; Алдашева Ш. 70-90 йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърини туркум табиати. Филол.фанл. бўйича фалс. докт. дисс... автореф. –Тошкент, 2019. –Б 16-17.; Назарова Д. Жамол Камол шеърятининг поэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Бухоро, 2021. -166 б.

адабий-эстетик тамойиллари, анъана ва новаторлиги, поэтик нутқ ва индивидуал услуб жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Жамол Камол ижодининг жанрлар оламини ўрганиш, уларни поэтик мезонлар асосида таснифлаш, жанрлар генезисини аниқлаш, шоирнинг ижодий услуби шаклланиши хусусиятларини тадқиқ қилиш;

шоир шеъриятидаги мумтоз жанрларнинг поэтик қонуниятлари ҳамда анъанавийлиги ва оригиналлигини бадий-эстетик тамойиллар асосида таҳлил қилиш;

шоирнинг лирик минатюралари ва ассоциатив тасвирга асосланган универсал шеърияти вужудга келишида Шарқ ва Ғарб лирикаси поэтик шаклларига уйғунлаштиришдаги бадий маҳоратини аниқлаш;

мусамматлар поэтикасидаги анъанавийлик ва новаторликнинг Жамол Камол ижодида қай даражада намоён бўлганлигини мисоллар орқали ёритиб бериш;

Жамол Камолнинг индивидуал услуби шаклланишида мумтоз ва замондош шоирлар ижодининг таъсири ва мавқеини тайин этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жамол Камолнинг “Аср билан видолашув”, “Ёнаётган дала”, “Абадият остонасида”, “Шеър санъати”, “Анвар Мирзо ҳикоятлари”, “Булбулнома” каби олти жилдлик танланган асарлари олинган. Шунингдек, тадқиқотда ўрни билан халқ оғзаки поэтик ижоди, Аҳмад Яссавий, Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мунис, Огаҳий, Машраб, Расул Ҳамзатов, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоирларнинг лирик меросига қиёсий-типологик таҳлил учун мурожаат этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Жамол Камол ижодининг жанрлар ва поэтик шакллар олами, традиция ва новаторлиги, шоирнинг поэтик услуби каби муаммоларни ижодий индивидуаллик, қиёсий типология асосида илмий-назарий жиҳатдан ёритиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, биографик, лингвопоэтик, герменевтик, психологик, аналитик ва структурал таҳлилий методлардан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Жамол Камол шеърияти аруз вазнидаги ғазал, рубоий, тарона, қасида, фард, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, дoston каби барқарор қонуниятли, бармоқ ва эркин вазнга мансуб ижтимоий, интим, ҳажвий, бағишлов мазмунидаги ўзгарувчан қолипга эга жанрлар ва шаклларга алоқадорлиги аниқланган;

шоир ижодида мавзу, вазн хилма-хиллиги, қофия, радиф, рефрен(таржеъли) мисра, тuroк, туркум ва шеърини санъатлардаги ташбех, талмех, таҷоҳули орифона, ирсолу масал каби миллий анъаналарнинг давомийлиги асосланган;

Жамол Камол шеъриятида халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, жаҳон адабиёти ва ижтимоий даврдан озикланиш натижасида замзама, саккизлик,

бадиҳа, бебокча мухаммас каби жанрларнинг вужудга келганлиги очиб берилган;

шоир дostonларида реал воқелик ва хаёлот оламининг уйғунлик касб этганлиги, лирик, эпик ва драматик турларнинг трансформациялашуви исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Жамол Камол ижоди бўйича ишлаб чиқилган илмий концепция, қўйилган муаммолар тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий маълумот бериши, ўзбек шеърятининг жанрлар поэтикасига оид тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

шоирнинг ижодий манераси орқали ғазал, рубоий, тарона, фард, қасида, соқийнома, маснавий ва мусаммат каби Шарқ шеърятининг сайёр жанрлари барҳаётлиги, лирик тадрижи ҳозирги замон лирикасида сақланиб қолганлиги каби ўринлар белгиланган;

шоир шеърятини асосида макон ва замон муаммосининг таҳлил этилиши лирик турдаги бадиий хронотопнинг ўрганилишида амалий хизмат қилади;

ўзбек адабиёти, адабий танқид, адабиёт назарияси, анъана ва новаторлик каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш учун материал бўла олади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйилган илмий муаммонинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, чиқарилган хулосалар илмий асосланганлиги, қиёсий-типологик, герменевтик ва аналитик усуллардан фойдаланилганлиги ва таҳлил жараёнида адабиёт назарияси, халқ оғзаки поэтик ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти ва XX аср ўзбек шеърятини поэтикаси талабларидан келиб чиққанлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини Жамол Камол ижодидаги жанр ва поэтик шакллар таркиби, индивидуал услуб ва лисоний белгиларининг монографик ўрганилиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу тадқиқот орқали XX аср ўзбек шеърятини намояндалари, хусусан, Жамол Камол поэзиясида халқ оғзаки поэтик ижоди, мумтоз адабиёт, жаҳон адабиёти ва ижодкор яшаган даврнинг адабий муҳити бадиий озиклантирувчи, илҳом бахш этувчи манба вазифасини бажарганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан нафақат Жамол Камол ижодининг жанрлар ва поэтик шакллар оламини ўрганувчилар, балки адабиёт назарияси, адабий жараён ва адабий танқид, ҳозирги замон ўзбек шеърятини адабий анъана ва услублари билан қизиқувчилар, адабий тур ва жанрларга оид тадқиқот олиб борувчилар, филология факультетларида адабиётшунослик фанини ўқитишдаги маъруза ва амалий машғулотларда қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамол Камол шеърятини жанрлар ва шакллар ранг-баранглигини тадқиқ этиш ва мазкур

муаммонинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, илмий-амалий натижаларини белгилаш асосида:

шоир шеърятти аруз вазнидаги ғазал, рубоий, тарона, қасида, фард, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, дoston каби барқарор қонуниятли, бармоқ ва эркин вазнга мансуб ижтимоий, интим, ҳажвий, бағишлов мазмунидаги ўзгарувчан қолипга эга жанрлар ва шаклларга алоқадорлиги, шеърый санъатлардаги миллий анъаналарнинг давомийлиги, генезиси, лингвопоэтик хусусиятларига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 28 сентябрдаги 61/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ишининг мумтоз адабиёт анъаналарининг ҳозирги шеърятга кўчиши, жанрлар барҳаётлиги, универсал шеър бадиияти билан боғлиқ томонларининг илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган.

шоир шеъряттида халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, жаҳон адабиёти ва ижтимоий даврдан озикланиш натижасида замзама, саккизлик, бадиҳа, бебокча мухаммас каби жанрларнинг вужудга келганлиги кабиларнинг ўрганилишидан олинган илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 9 октябрдаги 17-01/289-сон маълумотномаси). Натижада шеъряттида миллий анъанавийлик масаласини жанр таркиби ва табиати билан боғлаб, қиёсий-типологик жиҳатдан илмий-назарий ёритиш имконияти яратилган;

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд бўлимининг шеърят ва адабий танқид кенгашларида, уюшма қошидаги “Саодат” ижодий тўғараги фаолиятида Жамол Камол дostonларидаги реал воқелик ва хаёлот оламининг уйғунлик касб этганлиги, лирик, эпик ва драматик турларнинг трансформациялашуви каби мавзуларда адабий суҳбатлар ўтказилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 23 сентябрдаги № 01-03-/1106 маълумотномаси). Натижада ёш ижодкорлар адабий жараён ҳақидаги маълумотларга эга бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 147 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамол Камол шеърятининг поэтик асослари”** деб номланган бўлиб, уч фаслдан ташкил топган. *“Жанрлар ва шакллар ранг-баранглиги қонуниятлари”* деб аталган биринчи фаслда шоир шеърятдаги лирик жанрларнинг поэтик мезонлари, жанрий қонуниятларининг кенгайтиши, етакчи поэтик шакллар тўғрисида фикр юритилган. Жанр поэтик табиатидаги аниқ бадиий ўлчамларнинг йўқолиб бориши XIX асрда дунё шеърятда жанрий эврилишларни пайдо қилган бўлса, бу жараён ўзбек шеърятда XX аср бошларидан эътиборан кузатила бошланган. Бунинг натижасида вазнлар эволюцияси юз бериб, “универсал” лирикага мансуб замонавий бармоқ ва эркин вазнли асарларга кенг йўл очилди. Бу жараённи дунё адабиётшунослиги билан уйғунликда, муайян шоир ижоди мисолида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шеърятда бармоқ ва эркин вазн ҳукмронлик қилган даврда Жамол Камол сингари шоирларнинг аруз вазнини қайта бадиий истеъмолга киритиши замонавий шеърятда жанрлар ва шаклларнинг янги тараққиётини вужудга келтирди. Шоирнинг аруз вазнидаги шеърларида жанрлар ранг-баранглиги, эркин ва бармоқ вазнидаги универсал шеърятда поэтик шакллар хилма-хиллиги кузатилади. Маълумки, ҳар бир бадиий жанрнинг адабий турлар миқёсида ўзининг муайян поэтик қонуниятлари мавжуд бўлиб, умуминсоний кадрятлар ва миллий руҳни бадиий жилоланган сўзлар воситасида намоён этади. Хусусан, лирик турдаги ҳар бир жанр нимани қандай қуйлаши нуктаи назаридан ўз поэтик мезонларига эга. Шундан келиб чиқиб, Жамол Камолнинг лирик ва лиро-эпик асарларини қуйидаги икки гуруҳга таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

а) доимий поэтик категорияга эга лирик жанрлар: буларга ғазал, рубоий, тарона, қитъа, қасида, мустазод, соқийнома, шеърый ҳикоят, лирик достон, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман кабилар мансуб бўлиб, улар арузда ёзилганлиги ва статик қоидаларга эгаллиги билан ажралиб туради;

б) эркин поэтик категорияга эга шеърый шакллар: буларга бармоқ ва эркин вазндаги замонавий шеърятга оид универсал шеърлар тааллуқли

бўлиб, уларда лирик хотимадаги хулоса ошкора баён қилинади. Бундай шеърлар динамик мезонлар асосида қурилиши билан ажралиб туради.

Ушбу қонуниятларга асосланиб, ғазал жанри ва унинг тематик тадрижи, шоирнинг ошиқона, орифона ғазаллари бадиияти ўрганилди. Шоирнинг арузда ёзилган шеърларида лирик жанрларнинг поэтик ўлчамлари аниқ чегараларга эга, аммо бармоқ ва эркин вазндаги шеърларда муайян шакл ёки қолипларнинг доимий такрори кузатилмайди. Бобнинг *“Жамол Камол шеърятининг жанрлар классификацияси”* масаласи ўрганилган иккинчи фаслида ижодкорнинг лирик ва лиро-эпик асарлари жанрий таҳлилига эътибор қаратилади. Замонавий адабиётшунослик тадқиқодлари шуни кўрсатадики, фикр ва туйғулар ифодаси муайян ижодкор томонидан маълум жанр орқали қуйланар экан, унда халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, жаҳон адабиёти ва давр руҳи бадиий озиклантирувчи манба вазифасини бажариши лозим. Жамол Камол ижодида мазкур унсурларнинг ўз бадиий функциясини бажарганлигини кўришимиз мумкин. Бунда классик адабиёт ва дунё адабиёти етакчи хусусиятга эга. Шундан келиб чиқиб, шоирнинг лирик меросидаги асарларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Мумтоз адабиёт таъсирида пайдо бўлган лирик жанрлар: бунга аруз вазнида ёзилган шеърӣ намуналар киритилади.

Жамол Камол лирикасида номланиши мумтоз жанрга оид бўлса-да, шаклий поэтик белгилари жиҳатидан ўзгаришларга учраган жанрлар ҳам борки, бундай ҳолатниларни шоирнинг индивидуал услуби билан изоҳлаш мумкин, аммо уларда муайян жанрнинг ўз тарихига эга барқарор қонуниятлари учрамайди. Масалан, “Соқийнома” номли шеърӣда соқийга мурожаатнинг нисбатан камлиги, мутақориб баҳрига мос келмаслиги кузатилса, “Анвармирзо хикоятлари” номли сайланмасида келтирилган учта фард тўрт мисрадан иборат бўлиб, хар кайсиси алоҳида-алоҳида ( а – а – а – б; а – б – б – б ; а – а – б – а ) қофияланиш системасига эғалиги билан ажралиб туради.

2. Жаҳон адабиётидан таъсирланиш натижасида вужудга келган шеърӣ шакллар: бунга Шекспир ижоди таъсирида ёзилган “Кулибатра”, “Ҳамлет” каби универсал шеърлари, саккизликлари, бармоқ ва эркин вазнли шеърлари мансуб.

Жамол Камол ижодидаги мусамман ва октавининг омухталашувидан туғилган саккизликлари ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий ва диний-дунёвий мавзуларда бўлиб, а – б – а – б, д – э – д – э тарзида қофияланган.

3. Халқ оғзаки поэтик ижоди билан боғлиқликда туғилган айрим жанрлар: бунга “Аср билан видолашув” тўпламидаги тўртта бадиҳа, битта бебокча мухаммаси ва халқ кўшиқлари оҳангидаги шеърлари, мураббаълари мисол бўлади.

Ижодкорнинг халқ оғзаки ижодидан вазн, оҳанг, халқоналик ва ғоявий-бадиий таъсирчанлик натижасида юзага келган шеърлари мавжуд, уларда фольклоризм элементлари кузатилади, аммо формал-структурал ёндашиш етакчилик қилмайди. Жамол Камолнинг “Қумри” шеърӣдаги “Қумри қиз” образи халқ эртақлари, дostonларидаги кахрамонлар сингари халқона,

ўйноқи поэтик ифодалар асосига қурилган мисраларда таъриф тавсиф қилинган:

*Найза-найза киприklar  
Қуйшлар пок ва маъсум.  
Дудоқлардан тўкилар  
Ҳам оташ, ҳам табассум  
Шох ташлаб изма-кейин  
Учишар қалдирғочлар,  
Қиз кулар сирли, майин  
Силкинар сулув сочлар.<sup>1</sup>*

Шеърдаги енгил халқона оҳанг, етти бўғинли,  $3 + 4 = 7$  қолипидаги туроқ ва туркумланиш, “*шох ташлаб изма-из учушаётган қалдирғочлар*” ва “*қизнинг сирли, майин силкинаётган сулув сочлари*” синтактик параллелизм ёрдамидда тасвирланиши кабилар Жамол Камол ижодининг бадиий илдизи халқ оғзаки адабиётидаги анъанавий тасвир методларига туташини кўрсатади.

Кўринадики, Жамол Камол шеърятининг жанрлар ва бадиий шакллар ранг-баранглиги асоси ва генезисда унинг шоирлик, таржимонлик, олимлик ва публицистик салоҳияти ётади. Ушбу бобнинг “*Лирик анъаналарнинг янгиланиш тенденцияси*” ёритилган учинчи фаслида шоирнинг ғазал ва рубоийларидаги бадиий анъанавийлик ва оригиналлик тенденцияси миллий қадриятлар фониди ўрганилган. Жамол Камол Огаҳийнинг “Устина” радибли ғазалига тазмин боғлаб, узок тарихга эга мумтоз лирик анъанавийликнинг ҳозирги даврдаги муносиб давомчиси бўла олган:

*Айт, гулми ё сунбулмидир ул кўзу ул қош устина,  
Кўрдим, қарорим қолмади, тош тушди бардош устина.<sup>2</sup>*

Ғазал радифи, муқайяд қофияси, ҳажми, мақтаъда кўрсатилган жуфт тахаллус(Огаҳий, Жамол)га эгаллиги, ражази мусаммани солим (мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун (— v — / — v — / — v — / — v —) вазнида ёзилганлиги билан Огаҳийга тазмин қилинганлигини тасдиқлаб, мумтоз анъананинг янгиланиш тенденциясини ифода этган. Шунингдек, ғазал яратиш усуллари, шеърый санъатлардан фойдаланиш маҳорати, мумтоз лексикага мурожаат орқали ҳам шоир шеърятда лирик анъаналарнинг янгиланиши кузатилади.

Жамол Камол рубоийларида вазн, оҳанг, қофия, бадиий қолип каби жанрий қонуниятлар анъанавий, лекин мавзу, туйғу, фикр ва дард тамомила янгиллиги намоён бўлади. Жамол Камолнинг “Ёнаётган дала” тўпламида 113

<sup>1</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –31 б.

<sup>2</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. V жилд. Анвармирзо хикоятлари. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –4 б.

та рубоий ва 11 та тарона жамланган бўлиб, уларда Хайём, Румий, Навоий ва Бобур ижоди таъсири яққол сезилиб туради. Қофияланишига кўра, жами 113 рубоийнинг 102 таси хос рубоий, 8 таси таронайи рубоий, қолган учтаси а – а, б – б тизимида қофияланган бўлиб, бунда рубоий жанрининг муайян қофияланиш структурасидан четга чиқиш кузатилади. Шоир рубоийларида оҳанг, ритм, мусиқийлик, тасвир усули, бадиий жозиба ва шарҳи ҳолда Захириддин Муҳаммад Бобур лирикасига издошликни кўриш мумкин:

*Йилларча забунлик менга тақдир бўлди,  
Рухимда кишан, оёқда занжир бўлди.  
Мустамлака юртда шу паришон кўнглим  
Ҳар лаҳза куйиб, ҳамшира ранжир бўлди.<sup>1</sup>*

Умумлашма даражадаги лирик қаҳрамон кечинмаси тасвирланган ушбу рубоийда “тақдир”, “руҳ”, “юрт”, “кўнгли” тимсолларининг хасби ҳол ва таносуб санъати орқали тасвирланиши анъаналарнинг янгиланиш тенденциясини акс эттирган. Шоир шеърятининг поэтик асосини лирик жанрлар ва шаклларнинг бадиий қонуниятлари, улардаги анъана ва новаторлик, лингвопоэтик хусусиятлар, вазн элементлари кабилар ташкил этади.

Тадқиқотнинг “**Жанр диалектикаси: мавзу ва мазмун**” муаммосини тадқиқ этишга бағишланган иккинчи боби тўрт фаслдан таркиб топган. Бобнинг “*Муҳаммасда лирик кечинма тасвири*” деб номланган биринчи фаслида Жамол Камолнинг бир қатор муҳаммаслари кечинма поэтикаси асносида ўрганилган. Шоир муҳаммаслари ғазалларининг мантиқий давоми сифатида таассурот қолдиради. Уларни қуйидаги турларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Табъихуд, яъни мустақил муҳаммаслари. “Жаҳон гулзорида мен”, “Эй фаластинлик болам...” муҳаммаслари бунга мисол бўлади. Буларда бармоқ вазнидаги шеърларга хос кечинмани эркин ифода этиш кузатилади.

2. Тазмин муҳаммаслари. Жамол Камол ижодида Алишер Навоийнинг “Асру”, “Қизил, сориг, яшил”, “Истангиз” радифли учта ғазалига боғланган назира муҳаммас мавжуд. Шунингдек, Бобурнинг “Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим...” мисрали ғазалига, Фузулийнинг “Ё Раб, балою ишқ ила қил ошна мани...” мисрали ғазалига, Машрабнинг “Эмас”, Фурқатнинг “Булбул” радифли ғазалларига, Эркин Воҳидовнинг “Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам” мисраси билан бошланувчи ғазалига муҳаммас боғлаган. Тазмин муҳаммасларда кечинма назира боғланган ғазал муаллифининг услубига монанд ифодаланади.

3. Таржеъли (рефренли) муҳаммаслари. “Хивони кўрдим” муҳаммаси бунга мисол бўлади. Буларда кечинма бош ғоя билан узвий боғлиқликда таржеъли мисралар воситасида мусиқий ва мазмунан теран тасвирланади.

---

<sup>1</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. II жилд. Ёнаётган дала. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –261 б.

Шунингдек, Жамол Камол Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърига ҳамоҳанг “Ягона муҳаббатим” бешлигини ёзган. Мазкур асар мумтоз адабиётимиз тарихидаги мухаммасга мухаммас боғлаш анъанасининг ҳозирги ўзбек шеъриятидаги бармоқ вазнида амалга оширилган варианти эканлиги билан ҳам муҳимлик касб этади. Бобнинг “*Мумтоз жанрларда мазмун ва шакл бирлиги*” масаласи ўрганилган иккинчи фаслида мумтоз жанрдаги лирик асарларда жанрнинг ташқи ифода структураси мазмунни етказиб берувчи шаклий восита саналиши шоирнинг мураббаълари асосида поэтик кўламда таҳлил этилди. Ю.Н.Тиняновнинг “*шакл + мазмун = қадаҳ + май*”<sup>1</sup> кўринишидаги поэтик формуласига асосланилиб, жанр бадиий тафаккур маҳсули бўлган мазмунни ташувчи турли ўлчамдаги қолип эканлиги шоир шеъриятига татбиқан шакл ва мазмун бирлигида ўрганилди. Шунга кўра, “Айтсинлар”, “Майли, сен шод бўл”, “Етдингму?”, “Наволар истар” мураббаълари шакл ва мазмун қонуниятлари асосида тадқиқ этилди. Мураббаълар нафақат мавзу ва ғоя орқали, балки образлар тизими, мазмун талаби билан ҳам ғазалга мувофиқлашади. Бу ҳолатни Жамол Камолнинг “Наволар истар” номли мураббаъсида кузатиш мумкин:

*Эй юлдуз боқшили, гўзалим Лайли,  
Сени деб куйларим нашъали, найли.  
Шунчалар ёндирдинг, ёндирсанг, майли,  
Шоир оташингдан наволар истар*<sup>2</sup>.

Шеърда ҳусни малоҳатда тенгсиз маъшуканинг ситам ва эътиборсизликларидан озорланган ошиқ тасвири берилган. Мураббаъдаги мавзу – ошиқона, ғоя – гўзал ёрни васф этиш, образлар тизими – одатий ошиқ ва маъшуқа тимсоли, айрим ҳолларда рақиб образи ҳам аралашади. Бундай бир хил мавзу, бир хил ғоя ва бир хил образлар тизимига эга шеърларни бири иккинчисига эргашувчи икки хил жанр воситасида баён қилиш усули деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда мазмун ўзаро уйғун, уни ифодаловчи шакл фаркли. Бобнинг “*Универсал шеър бадиияти*” масаласи ўрганилган учинчи фаслида Жамол Камолнинг саккизликлари ва бармоқ вазнидаги шеърлари таҳлилга тортилган.

Маълумки, XX аср шеъриятида аруздан бармоққа ўтиш юз бериб, лирик жанрларнинг муайян статик категориялари йўқола борган. Бунинг натижасида вазн, тuroқ, қофия, оҳанг, ритм ва лирик ифода асосий поэтик мезон саналган универсал лирика вужудга келган. “Мазкур қоришиқ жанрнинг асосий белгилари куйидагилар: а) лирик ифоданинг эркин парвози; б) кечинмалар диалектикасининг яратилиши; в) мушоҳада доирасига тушган энг увoқ майда-чуйдаларнинг ҳам шу ондаёқ қайд этилиши; г) бевосита нутқ – монолог билан учқур суврат-тасвирларнинг алмашилиб туриши; д) вазн ва

<sup>1</sup> Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент, Мухаррир.2011. –41 б.

<sup>2</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. II жилд. Ёнаётган дала. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –22 б.

турокнинг эркин кўлланилиши”<sup>1</sup>. Универсал лирика поэтикаси шоирнинг бармоқ вазнидаги саккизликлари ва туркум шеърларида яққол намоён бўлган. Шоир саккизликларининг монографик тадқиқи натижаси қуйидаги поэтик хулосаларни ҳосил қилади:

1. Расул Ҳамзатов саккизликларидан илҳомланиш, мавзу, ғоя, лирик ифода ва тимсоллар оламидаги ўзаро уйғунлик белгилари.

2. Ҳаётни фалсафий идрок этиш орқали туғилган лирик миниатюралар тасвирнинг ифодавийлиги.

3. Фикрий шеърятда ассоциатив тафаккур устуворлиги белгилари.

Драматизмга бой лирик миниатюралар тасвирни, ассоциатив тафаккур белгиларини Жамол Камолнинг саккизликлари билан бирга бармоқ вазнидаги бир қатор шеърларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, “Футбол” шеърисида мавзу замонавий бўлса-да, ундаги кечинмалар ифодаси, фикрлар картинаси инсониятнинг азалий қисмат чизгиларидан иборат. Шоир бу шеърисида миллионлар ўйини – футболга бўлган халқнинг оммавий муносабатини ёритиб бориб, қутилмаганда уни ўй ва мулоҳазалар тажассум топган, ўзини “*асир этган ўзга бир хаёл*” майдонига айлантиради:

*Мана, миллиард йилким Машириқ ҳар саҳар,  
Оламни тўлдириб овозасига,  
Қуёш коптогини киритмоқ бўлар,  
Тўп тепиб Мағрибнинг дарвозасига ...* <sup>2</sup>

Ушбу бобнинг “*Лирик жанрларда хронотопнинг воқеланиши*” номли тўртинчи фаслида лирик жанрларда бадиий хронотоп масаласи Жамол Камол шеърисига негизда таҳлил қилинди. Шоирнинг “Қасрлар” шеърисида лирик қаҳрамон ички монолог воситасида “Қалб уйи”, “Қалб қасри” билан суҳбат қурганида, бутун умри қаср қуришга сарфланган қаҳрамон эътиқодга, муҳаббатга, иймонга, ёшликнинг беғуборлигига хиёнат қилгани сари яшаш қошонаси ҳашаматлашиб, “Қалб қасри” нурай бошлагани баён қилинади. Бунда сиқик воқелик экспрессив тасвирийлик асосида англашилади. Жамол Камолнинг эмоционал тафаккур ва маънавий-ахлоқий туйғуларни уйғотувчи фалсафий саккизликлари, бадиий топилмаларга бой шеърлари ва дostonларида макон ва замон шакл мазмунини очиб беришга хизмат қилган.

Гап шундаки, лирик турдаги макон ва замон категорияси бошқа турларга нисбатан фарқлироқ: шеърда воқеа эмас, балки лирик қаҳрамоннинг оний кайфияти тасвир этилар экан, бирламчи ва иккиламчи маконнинг мавжудлиги ойдинлашади. Шу боис “шеърятда бадиий замон оқимининг модели матнда туйғуларни ифодалаган муаллиф вақти билан аниқланади. Лирикада реал вақтга эркин муносабатда бўлинади”<sup>3</sup>. Бу лирик турга мансуб

<sup>1</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. IV жилд. . Шеър санъати.–Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –152 б.

<sup>2</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –91 б.

<sup>3</sup> Хурсанов Д. Ҳозирги ўзбек шеърисига хронотоп поэтикаси. Филол.фанл. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... автореф. –Самарқанд, 2020. –13 б.

бўлган қонуниятдир. Лирикада бирламчи макон – инсон қалби ва онги, иккиламчи макон – бутун борлик. Негаки изтироб, туйғу, кечинма қалбда, хаёлот тафаккурда содир бўлади. Қалб эгасининг оламда мавжудлиги эса борлик(ёки лирик қахрамон ватани)ни лирик макон даражасига кўтаради. Лирик замон ҳам жуда катта ижтимоий даврни қамраб олиши мумкин. Уни аниқлашда ҳозирги замон бадий замонни ўзида мужассамлаштиради. Шоирнинг “Аср билан видолашув” лирик эпопеясида башариятнинг бир асрлик ҳаёти лаконик тасвирланган. Хуллас, Жамол Камол ижодидаги мухаммаслар поэтикаси, лирик кечинма ифодавийлиги, шакл ва мазмун дихатомияси, универсал шеър бадиияти, лирик жанрларда хронотопнинг воқеланиши, мавзу ва мазмун муносабати кабилар жанр диалектикаси миқёсида таҳлил этилди.

